

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМий ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ДОСУМХОДЖАЕВ ФАРУХ АБДИРАЗАКОВИЧ

**ВАЗИЯТЛИ ЁНДАШУВ АСОСИДА
БЎЛАЖАК ХУҚУҚШУНОСЛАРНИНГ ВАТАНПАРВАРЛИК
ТУЙҒУСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философских наук (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstracts of doctor
of philosophy (PhD) on pedagogical sciences**

Досумходжаев Фарух Абдиразакович Вазиятли ёндашув асосида бўлажак ҳуқуқшуносларнинг ватанпарварлик туйғусини ривожлантириш механизмлари.....	3
Досумходжаев Фарух Абдиразакович Механизмы формирования чувства патриотизма у будущих юристов на основе ситуационного подхода.....	24
Dosumkhodjaev Farux Abdirazakovich Mechanisms for developing a sense of patriotism of future lawyers based on a situational approach.....	44
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	48

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМий ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ДОСУМХОДЖАЕВ ФАРУХ АБДИРАЗАКОВИЧ

**ВАЗИЯТЛИ ЁНДАШУВ АСОСИДА
БЎЛАЖАК ХУҚУҚШУНОСЛАРНИНГ ВАТАНПАРВАРЛИК
ТУЙҒУСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Ped2680 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdpu.uz) ва “ZiyoNET” ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тожибоева Хилолаҳон Махмутовна
педагогика фанлари доктори (DSc), катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Ҳақимова Муҳаббат Файзиевна
педагогика фанлари доктори, профессор

Маъмуров Баходир Бахшуллаевич
педагогика фанлари доктори (DSc), профессор

Етакчи ташкилот:

Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.2020.Ped.26.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “___” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (+99871) 276-79-11; факс: (+99871) 276-80-86; web-site: www.tdpu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (+99871) 276-79-11; факс: (+99871) 276-80-86.

Диссертация автореферати 2022 йил “___” _____ кунини тарқатилди.
(2022 йил “___” _____ даги _____ -рақамли реестр баённомаси).

З.Н.Мамаражабова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
п.ф.д., профессор

Р.Г.Исянов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, п.ф.н., доцент

С.С.Булатов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон таълим муассасаларида бўлажак ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳаси мутахассисларининг ватанпарварлик туйғусини вазиятли ёндашувлар асосида ривожлантиришнинг амалий-креатив механизмлари таълим жараёнига татбиқ этилмоқда. Бу борада бўлажак ҳуқуқшуносларда ватанпарварликни касбий-шахсий сифатларини ривожлантиришнинг ташкилий-педагогик моделларини такомиллаштириш, шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкани, тинчлигини, хавфсизлигини турли таҳдидлардан ҳимоя қилишга қаратилган амалий лойиҳаларни татбиқ этиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Жаҳон таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида вазиятли ёндашув асосида бўлажак ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш технологияларини ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳаси мутахассисларида ватанпарварлик туйғусини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш малака талабларини концептуал ёндашувлар асосида узлуксиз ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ҳуқуқий таълим тизимини модернизациялаш, ижтимоий муҳит талабларига интеграциялаш, криминоген вазият тўғрисидаги ахборотни комплекс ва тизимли таҳлил қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабабларини ва уларга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш, қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, шунингдек, замонавий ҳуқуқбузарликлар профилактикаси шакллари ва усулларида самарали фойдаланиш механизмларни ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотларга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда вазиятли ёндашув асосида бўлажак ҳуқуқшуносларнинг ватанпарварлик туйғусини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ҳамда уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш ва уларни бартараф этиш қобилиятларига эга бўлган мутахассисларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, фавқулодда содир бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарларни таҳлил қила олиш, фаолиятни самарали ташкил этиш бўйича билим ва кўникмалардан фойдалана олишнинг меъёрий асослари ишлаб чиқилмоқда. “Таълим олувчиларнинг психологик тайёргарлиги, ҳуқуқий, сиёсий маданияти ва ҳуқуқий онгини оширишнинг самарали тизимини яратиш; ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича фаолиятини услубий ва консультатив таъминлаш” устувор вазифа сифатида белгиланган¹. Бу борада вазиятли ёндашув асосида бўлажак ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳаси мутахассисларининг ватанпарварлик туйғусини ривожлантиришнинг оптимал

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 февралдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4166-сон қарори.

йўллари танлаш ва унинг методик асосларини такомиллаштиришнинг педагогик имкониятлари кенгайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” Фармони, 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сон “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”, 2019 йил 7 февралдаги ПҚ-4166-сон “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга доир кўшимча чоратadbирлар тўғрисида”, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2020 йил 22 июндаги ПФ-6012-сон “Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 февралдаги 140-сон “Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” қарори ҳамда мазкур соҳага тааллуқли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамиз олий таълим тизимида ҳуқуқшунослар ва ҳарбий хизматчиларни касбий фаолиятга тайёрлаш ҳамда унга қўйиладиган дидактик талаблар Ш.А.Акрамова, З.Ш.Алимардонов, Г.А.Асилова, С.Ю.Аҳроров, С.Отамуратов, Р.С.Самаров, У.С.Темирова, Б.Тўйчиев, К.Х.Усмонов, А.Т.Хасанов, Г.М.Эргашева, Н.Ж.Эшнаев; шахсда ватанпарварлик туйғуларини ривожлантириш муаммолари Ш.Абдуллаева, Р.Х.Джураев, Х.И.Ибраимов, Р.М.Медетова, О.Мусурмонова, Р.Г.Сафаровалар томонидан тадқиқ этилган.

Бўлажак ҳуқуқшуносларда ватанпарварлик туйғусини ривожлантириш учун зарур сифатларни шакллантириш, бу жараёнда вазиятли ёндашувдан фойдаланиш масалалари Н.Д.Гальскова, Г.А.Жаркова, О.С.Захарова, И.А.Кулантаева, О.А.Макарова, Н.С.Малюткина, К.Э.Маркарова, Н.В.Ходякова, А.А.Леонтьев, Е.И.Пассов, В.Л.Скалкинлар томонидан тадқиқ этилган.

Хорижлик олимлар Y.Doll, R.J.Mirabile, D.B.Raeven, M.Stephenson, S.P.Huntingtonлар миллий офицерларни тайёрлаш; вазиятли ёндашувни қўллаш масалалари бўйича эса, M.Argyle, R.Bruner, N.V.Grishina, D.Magnussonлар илмий тадқиқотлар олиб боришган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти илмий-тадқиқот

ишлари режасининг ФЗ-2016-0909111822-рақамли “Дарсликлар ва ўқув адабиётлари мазмунига Шарқ педагогик тафаккури дурдоналарини сингдириш орқали ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши курашчанлик кўникмаларини шакллантириш механизмлари” номли лойиҳаси доирасида бажарилган (2017-2020 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади вазиятли ёндашув асосида бўлажак ҳуқуқшуносларнинг ватанпарварлик туйғусини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

“вазиятли ёндашув”, “бўлажак ҳуқуқшунос”, “ватанпарварлик туйғуси”, “вазиятли топшириқлар” “дилемма” тушунчаларининг мазмун-моҳиятини аниқлаштириш асосида бўлажак ҳуқуқшуносларда ватанпарварлик туйғусини ривожлантиришнинг педагогик имкониятларини таҳлил этиш;

бўлажак ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳаси мутахассисларини тайёрлашда ватанпарварлик туйғуларини ривожлантиришнинг педагогик индикаторларини такомиллаштириш;

вазиятли ёндашув асосида бўлажак ҳуқуқшуносларда ватанпарварлик туйғусини намоён қилишга оид касбий-шахсий сифатларни шакллантириш жараёнининг ташкилий-педагогик моделини такомиллаштириш;

бўлажак ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳаси мутахассисларининг ватанпарварлик туйғусини ривожлантиришда вазиятли ёндашув омилларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида вазиятли ёндашув асосида бўлажак ҳуқуқшуносларнинг ватанпарварлик туйғусини ривожлантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Тошкент давлат юридик университетининг ихтисослаштирилган филиали, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар академияси, Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги университетларининг 678 нафар талаба ва курсантлари жалб қилинди.

Тадқиқотнинг предметини вазиятли ёндашув асосида бўлажак ҳуқуқшуносларнинг ватанпарварлик туйғусини ривожлантириш механизмларини такомиллаштиришнинг шакл, метод ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тарихий-қиёсий таҳлил, кузатиш, ижтимоий сўров, ўрганиш, умумлаштириш, талабалар фаолиятини таҳлил қилиш, педагогик прогностика, педагогик ташхислаш, педагогик эксперимент, математик-статистик таҳлил этиш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бўлажак ҳуқуқшуносларда ватанпарварлик туйғусини ривожлантиришнинг педагогик имкониятлари аждоқларимиз меросига янгича ижтимоий ўзгаришлар, маъно-мазмун, маданий-маънавий тараққиёт, умуминсоний туйғу ва маънавий кадриятлардан иборат таркибий қисмларни босқичма-босқич тизимлаштириш ҳамда ҳаётий вазиятларни фаолият ва имконият бирлигига имитациялаш асосида ривожлантирилган;

бўлажак ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳаси мутахассисларини тайёрлашнинг педагогик омиллари

экстремал вазиятларда ватанпарварлик туйғусини намоён этиш, ўзгарувчан ҳолатларда профессионал фаолияти натижаларини тезкор ҳамда адекват баҳолаш компетентлиги уйғунлигини изчил таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

касбий-шахсий сифатларни шакллантириш жараёнини ташкилий-педагогик модели таълим жараёни элементлари, функциялари мақсадли, мазмунли, жараёнли, назорат ва диагностика функцияларини боғлиқлигини яхлит жараён сифатида белгилаш ҳамда касбий фаолиятдаги ватанпарварлик муносабати, амалий-ҳиссий, вазиятни англаш ва баҳолаш таркибий қисмларини киритиш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак ҳуқуқшуносларда ватанпарварлик туйғусини ривожланганлик даражасини белгиловчи индикаторлар ёшларнинг ижтимоий салоҳиятини босқичма-босқич таъминлаш, ижтимоий-маданий ва ҳаётий тажрибаларни мазмунан оптималлаштириш ҳамда янги тасаввурларни ҳосил қилиш имконини берувчи субъектив муаммоларни ҳиссий тушуниш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагиларда ўз аксини топган:

вазиятли ёндашув асосида бўлажак ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳаси мутахассисларининг ватанпарварлик туйғусини ривожлантириш мазмуни, мезонлари, кўрсаткичлари ҳамда даражалари аниқлаштирилган;

60420100 – Юриспруденция (ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш) таълим йўналиши бўйича “Отиш тайёргарлиги” номли ўқув қўлланма ва “Харбий хизмат тайёргарлиги”, “Дала кўникмалари” номли дарсликлар яратилган;

вазиятли ёндашув асосида бўлажак ҳуқуқшуносларда ватанпарварлик туйғусини намоён қилишга оид касбий-шахсий сифатларни шакллантириш жараёнининг ташкилий-педагогик модели такомиллаштирилган;

бўлажак ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳаси мутахассисларининг ватанпарварлик туйғусини ривожлантиришда вазиятли ёндашувнинг ўзига хос имкониятларини аниқлашга оид илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик статистика методлари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти “вазиятли ёндашув”, “бўлажак ҳуқуқшунос”, “ватанпарварлик туйғуси”, “вазиятли топшириқлар”, “дилемма” тушунчалари мазмун-моҳиятининг очиб берилганлиги, бўлажак ҳуқуқшуносларнинг ватанпарварлик туйғусини ривожланганлик мезонлари, кўрсаткичлари ва

даражаларининг аниқлаштирилганлиги, педагогик шарт-шароитларнинг илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти замонавий ҳуқуқбузарликлар профилактикасида фойдаланиладиган самарали шакллар ва усуллар таркиби дилеммаларни қўллаш асосида такомиллаштирилганлиги, бўлажак ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳаси мутахассисларининг ватанпарварлик туйғусини ривожлантиришда вазиятли ёндашувнинг ўзига хос имкониятларини аниқлаш асосида мақсадга йўналтирилган жараённинг ташкилий-педагогик модели ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Вазиятли ёндашув асосида бўлажак ҳуқуқшуносларнинг ватанпарварлик туйғусини ривожлантириш механизмларини такомиллаштиришга оид тадқиқотнинг илмий натижалари асосида:

бўлажак ҳуқуқшуносларда ватанпарварлик туйғусини ривожлантиришнинг педагогик имкониятлари аждодларимиз меросига янгича ижтимоий ўзгаришлар, маъно-мазмун, маданий-маънавий тараққиёт, умуминсоний туйғу ва маънавий қадриятлардан иборат таркибий қисмларни босқичма-босқич тизимлаштириш ҳамда ҳаётини вазиятларни фаолият ва имконият бирлигига имитациялаш асосида ривожлантиришга оид тавсиялар Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида амалга оширилган ФЗ-2016-0909111822 – “Дарсликлар ва ўқув адабиётлари мазмунига Шарқ педагогик тафаккури дурдоналарини сингдириш орқали ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши курашчанлик кўникмаларини шакллантириш механизмлари” номли лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2022 йил 8 ноябрдаги 02-07-3934/04-сон далолатномаси). Натижада, бўлажак ҳуқуқшуносларда ватанпарварлик туйғусини ривожлантиришнинг мавжуд ҳолатини педагогик, психологик таҳлил этиш имкони яратилган;

бўлажак ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳаси мутахассисларини тайёрлашнинг педагогик омиллари экстремал вазиятларда ватанпарварлик туйғусини намоён этиш, ўзгарувчан ҳолатларда профессионал фаолияти натижаларини тезкор ҳамда адекват баҳолаш компетентлиги уйғунлигини изчил таъминлаш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида амалга оширилган Ф1-ХТ-1-55237-рақамли “Педагогик атамалар мазмунини модернизациялаш ва унификациялаш параметрлари” номли лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2022 йил 8 ноябрдаги 02-07-3934/04-сон далолатномаси). Натижада, бўлажак ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳаси мутахассисларини тайёрлашда ватанпарварлик туйғуларини ривожлантиришнинг педагогик индикаторларини такомиллаштиришга шароит яратилган;

касбий-шахсий сифатларни шакллантириш жараёнини ташкилий-педагогик модели таълим жараёни элементлари, функциялари мақсадли, мазмунли,

жараёнли, назорат ва диагностика функцияларини боғлиқлигини яхлит жараён сифатида белгилаш ҳамда касбий фаолиятдаги ватанпарварлик муносабати, амалий-ҳиссий, вазиятни англаш ва баҳолаш таркибий қисмларини киритиш асосида такомиллаштиришга доир тавсиялар “Ҳарбий хизмат тайёргарлиги” номли дарслик мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 23 ноябрдаги 500-сон буйруғи асосида берилган 500-916 рақамли нашр рухсатномаси). Натижада, вазиятли ёндашув асосида бўлажак ҳуқуқшуносларда ватанпарварлик туйғусини намоён қилишга оид касбий-шахсий сифатларни шакллантириш жараёнининг ташкилий-педагогик моделини такомиллаштиришга шароит яратилган;

бўлажак ҳуқуқшуносларда ватанпарварлик туйғусини ривожланганлик даражасини белгиловчи индикаторлар ёшларнинг ижтимоий салоҳиятини босқичма-босқич таъминлаш, ижтимоий-маданий ва ҳаётий тажрибаларни мазмунан оптималлаштириш ҳамда янги тасаввурларни ҳосил қилиш имконини берувчи субъектив муаммоларни ҳиссий тушуниш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар “Отиш тайёргарлиги” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 28 декабрдаги 676-сон буйруғи асосида берилган 676-130 рақамли нашр рухсатномаси). Натижада, бўлажак ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳаси мутахассисларининг ватанпарварлик туйғусини ривожлантиришда вазиятли ёндашувнинг педагогик имкониятларини такомиллаштириш имкони оширилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, шундан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 7 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, етти параграф, хулоса, 137 саҳифа матн, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Вазиятли ёндашув асосида бўлажак ҳуқуқшуносларнинг ватанпарварлик туйғусини ривожлантириш жараёнининг назарий асослари**” деб номланган бўлиб, ушбу бобда бўлажак

мутахассисларнинг ватанпарварлик туйғусини ривожлантириш – ижтимоий педагогик зарурият сифатида асосланган, бўлажак мутахассисларнинг ватанпарварлик туйғусини ривожлантиришда вазиятли ёндашувнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган.

Хукукбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳаси мутахассисларининг ўз вазифаларини муваффақиятли бажаришлари учун етарли билим ва кўникмаларни ҳосил қилиш яхлит педагогик тизимни ташкил этишни талаб қилади. Ўзбекистон Республикаси хукукбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида хизмат қиладиган мутахассисларнинг ҳар томонлама ривожланишлари, касбий маҳоратга эга бўлишлари учун таълим жараёнида етарли асос яратилган.

Бўлажак хукукшуносларда ватанпарварлик туйғусини ривожлантириш ва ахлоқий тарбиялаш узоқ муддатли педагогик фаолият билан боғлиқ. Ижтимоий ўзгаришлар даврида одатда олдинги қадриятлар йўқотилиб, янги маънавий ва ахлоқий ўзгаришларни талаб этадиган кўрсатмалар, шахснинг маънавий ва ахлоқий ривожланишидаги инқирозлар, бизга бегона бўлган маданият ва хулқ-атвор моделлари пайдо бўлади.

Педагогика энциклопедиясида “ватанпарварлик” (юнонча “patriotes” ватандош, “patris” – Ватан) – “туғилиб ўсган юрт, Ватанга муҳаббат, садоқат ўз хатти-ҳаракатлари билан унинг равнақи учун хизмат қилиш, Ватанининг озодлиги ва ободлиги, унинг сарҳадлари дахлсизлиги, мустақиллигининг ҳимояси йўлида фидойилик кўрсатиб яшаш, она халқининг ор-номуси, шон-шарафи, бахту саодати учун куч-ғайрати, билим ва тажрибаси, бутун ҳаётини бахш этишдек дунёдаги энг муқаддас ва олийжаноб фаолиятни, кишининг ўзи туғилиб ўсган, камол топган жой, замин, ўлкага бўлган меҳр-муҳаббати, муносабатларини ифода этадиган ижтимоий ва маънавий-ахлоқий хислатлари, фазилатини англадиган атама” сифатида талқин қилинади.

Шахсий даражадаги ватанпарварликнинг мазмуни ҳукумат сиёсати сифатида бевосита давлат ва жамият ҳаётида инсоннинг шахсий манфаатлари нисбати билан боғлиқ тарзда юзага келади.

Ватанпарварлик нафақат жамоатчилик онгининг элементи сифатида энг муҳим туйғуларни характерлайди, балки жамият ҳаётининг қирраси, шунингдек, унинг барқарор ривожланишининг зарурий шартидир ва шу билан бирга ватанпарварлик муҳим ички сафарбарлик вазифасини бажаради ҳамда жамиятни ривожлантириш учун манба ҳисобланади.

Ватанпарварлик ўз ичига оладиган туйғулар, ғоялар, эътиқодлар, урф-одатлар ва анъаналар, инсон ҳаётининг барча соҳалари доимий қадриятларига таъсир қилади.

Шахсдаги ватанпарварликни намоён бўлишини уч йўналишда кузатиш мумкин: билиш – Ватан тушунчасига хос қадриятларни эгаллаш; эътиқод – қадриятлар соҳасида ўзлаштирган билимларини эътиқодга айлантириш; ҳаракат – ўз эътиқодини амалий фаолияти орқали намоён этиши.

Шу билан бирга ватанпарварликнинг асосий жамоат ҳаёти сифатидаги таркибий қисмлари: онгли ватанпарварлик, ватанпарварлик муносабати ва ватанпарварлик фаолияти.

Онгли ватанпарварлик – бу субъектнинг аҳамиятини акс эттириши уларнинг Ватани ва зарур чораларни кўришга тайёрлиги, унинг миллий манфаатларини ҳимоя қилиши. Шунингдек, субъектнинг ватанпарварлик фаолияти ахлоқий регулятор билан ватанпарварлик ҳаракатининг ўзаро таъсирида амалга оширилади.

Ватанпарварлик муносабатлари жамоатчилик жараёнида пайдо бўлади ва амалиёти субъект ҳамда унинг ҳаракатларининг объекти ўртасидаги ҳақиқий боғлиқликда кўринади. Ватанпарварлик муносабатлари бу ватанпарварлик онгини моддийлаштиришнинг зарурий шарти ва ватанпарварликни амалга ошириш фаолиятидир.

Диссертацияда ватанпарварлик туйғуси – бу ватанпарварлик онгини ўзида мужассам этиш ва ватанпарварлик объектига нисбатан барча турдаги таъсирни амалга ошириш усули сифатида ватанпарварлик мақсадларини амалга оширишга қаратилган ҳаракатлар мажмуидир деб таърифланган. Ушбу фаолият ватанпарварликнинг ҳақиқатан ҳам сезилган ва кўринадиган томони моддий асосини ташкил этади. У рационал, ҳиссий ва иродавий компонентлар бирлигига кўра, ватанпарварлик ҳаракатларига асосланади. Агар улар Ватанга хизмат қилишга қаратилган бўлса, шахснинг ўз мамлакатининг тақдири учун ижтимоий ва маънавий жавобгарлигини ифода эта олса, ушбу ҳаракатларни ватанпарварлик деб ҳисоблаш мумкин.

Бугунги кунда ватанпарварликнинг турлари ва шакллари ажратиб турадиган турли хил таснифлар мавжуд-ки, жумладан, давлат олдидаги ватанпарварлик, миллий ватанпарварлик, ҳудудий ватанпарварлик, фуқаровий ватанпарварлик, шахсий ватанпарварлик ва бошқалар.

Давлат олдидаги ватанпарварлик халқнинг биргаликдаги ривожланиши ва жипслашиш учун умумий қизиқишлари, давлатни умумий мустаҳкамлаш мақсадлари, унинг атрофида рухий ҳаққонийлик ва Ватан тақдири учун жавобгарлик ҳисси, қизиқишларнинг яқкалиги ва уларни ҳимоя қилишнинг умумий қатъиятлилиги, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва шу билан бир қаторда фуқаролар томонидан жамоа олдидаги вазифаларни аниқ бажаришларини ваколати сифатида қайд этиш мумкин.

Таҳлиллар натижасида ватанпарварлик туйғуси ривожланган шахснинг мазмун ва моҳиятини, яъни “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги мутахассислар бу – юксак ҳуқуқий ва ҳарбий, касбий билимларни ўзида мужассамлаштирган, юқори даражада интеллектуал салоҳиятга эга, мукаммал жисмоний тайёргарликдан ўтган, ғоявий жиҳатдан шаклланган, замонавий информацион техника ва ишониб топширилган куроллардан профессионал даражада мақсадли фойдалана оладиган, ўз халқига ва Президентига мислсиз садоқатли, Ватан шаъни ва қадр-қимматини, фуқароларнинг манфаатларини доим ҳимоя қилувчи, кимга ва нима учун хизмат қилаётганлигини тўлиқ англаб етган профессионал шахсдир” деб изоҳладик.

Ватанпарварлик тарбиясига доир кадриятларимизнинг илдизлари энг қадимги даврларга бориб тақалади. Халқимиз азал-азалдан ёшларни ватанпарварлик, мардлик, жасурлик, довбюраклик юксак намуналарини тарбиялашни ўзининг юксак бурчи деб билган. Тўмарис, Широқ, Спитамен, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур

кабиларнинг сиймосида биз минглаб юртдошларимизнинг жасорати эвазига бу буюк Ватан гуллаб-яшнаб, яшариб бораётганини гувоҳи бўламиз. Ватанпарварлик туйғусини ривожлантиришда ушбу мақсадга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этиш ва педагогик ходисаларни ҳар томонлама чуқур таҳлил қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 февралдаги “Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 140-сон қарорида “ҳар қандай мураккаб вазиятларда тезкор ва мустақил қарор қабул қилиш, замонавий ҳарбий-техника воситаларидан самарали фойдаланиш малакасига эга ёшларни тарбиялаш; Ўзбекистон манфаатларини нафақат ҳарбий соҳада, балки ҳаётнинг барча жабҳаларида ҳимоя қилишга тайёр туриш, юрт учун фидойи бўлиш – бу бугунги кун талаби эканини ҳаётий мисоллар ва таъсирчан воситалар орқали ёшлар онгига сингдириб бориш” каби вазифалар белгиланган.

Вазиятли ёндашув асосида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги бўлажак мутахассисларнинг жанговар, тезкор ва фаол хусусиятга эга бўлган, шу билан бирга жамиятни инсонпарварлаштириш, унинг инсонга, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларига мурожаат қилишида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари фаолиятининг моҳиятига ва ватанпарварлик туйғусини ривожлантириши керак.

“Вазиятли ёндашув” атамаси лотинча вазият, ҳолат, аҳвол сўзидан келиб чиққан. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, воқелик субъектларига, уларнинг муносабатларига таъсир қилувчи ва уларнинг атрофидаги ёки боғлиқ объектларга таъсирини белгиловчи омилларнинг ҳар қандай бирикмасини вазият деб аташ мумкин.

Ватанпарварлик туйғусини ривожлантиришнинг муҳим ўзига хос хусусиятларидан бири – ватанпарварлик ва вазиятли ёндашувнинг бирлигидир. Тарбиянинг барча поғонасида ватанпарварлик ва вазиятли ёндашувнинг вазифалари органик ўзаро боғланганлиги ва ўзаро шартланганлиги ватанпарвар шахсни шакллантирадиган, доимий равишда нима учун инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини, ўз Ватанини ҳимоя қилаётганини эслатиб турадиган қудратли омил бўлиб хизмат қилади.

Вазиятли ёндашув асосида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги бўлажак мутахассисларда ватанпарварлик туйғусини ривожлантиришнинг асосий мазмуни: Ватани ва фуқароларнинг конституцион ҳуқуқини ҳимоя қилишда ўз бурчини тушунтириш; хизмат фаолиятида ҳал қилинадиган масалалар ва уларнинг вазифаси ва хусусиятларини тушунтириш; ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш; ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг замонавий шакл ва усуллар билан узвий боғлиқлигини таъминлаш; психологик, ҳуқуқий, сиёсий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш; Ўзбекистон Республикаси қонунларини, ҳарбий қасамёд ва ҳарбий низомларнинг асосий талабларини ўрганиш ва ўзлаштириш; аждодлар мероси, буюк ва жасур ота-боболаримизнинг жанговар анъана, удумларини тарғибот қилиш.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Вазиятли ёндашув асосида бўлажак ҳуқуқшуносларнинг ватанпарварлик туйғусини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари”** деб номланган бўлиб, ушбу бобда вазиятли ёндашув асосида бўлажак ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳаси мутахассисларининг ватанпарварлик туйғусини ривожлантириш мазмуни очиб берилган. Бўлажак ҳуқуқшуносларнинг ватанпарварлик туйғусини ривожлантириш имконини берадиган самарали шакл, метод ва воситалар аниқланган. Шунингдек, бўлажак ҳуқуқшуносларда ватанпарварлик туйғусини намоён қилишга оид касбий-шахсий сифатларни шакллантириш жараёнининг ташкилий-педагогик модели келтирилган.

Вазиятли ёндашув асосида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳаси мутахассислари тайёрлашда қуйидаги вазиятларни ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади: танланган ўқув материали мазмуни (ғоявий-сиёсий йўналиши, илмийлиги, оммабоплиги, назария билан амалиётнинг бирлиги, эмпирик материаллар кўлами, баён қилиш шакли ва бошқалар); мавзуга оид материалларнинг муаммоли баён қилиниши; маърузанинг далиллар билан асосланганлиги, ҳаққонийлиги, лўндалиги; тақдим этилаётган материалнинг мутахассислар касбий тайёргарлиги даражасига боғлиқлиги; материалнинг тизимли баён этилиши (режаси, тартиби, ихчамлиги, умумлашганлиги); ўқитиш усули (замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш, кўрсатмаллиги, ўқитувчи нутқи, ҳис-туйғуларга бойлиги, баённинг суръати, мантиқийлиги, мулоқот маданияти); ўқитувчининг талабага муносабати (эътиборлиги, талабчанлиги, самимийлиги, меҳрибонлиги, одоблилиги); маърузачилик фаолиятини бошқариш (эркин, ишонч билан, тезисга асосланиш, маъруза матнидан узоқлашмай баён қилиниши); мақсадга эришилганлиги (ишлаб чиқилган йўллар, синалган воситалар, эгалланган усуллар, шахсий нуқтаи-назарини баён қилиш, бўлажак мутахассиснинг мустақил ҳолда ишлашига имкониятнинг яратилиши).

Вазиятли ёндашув асосида бўлажак ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳаси мутахассисларининг ватанпарварлик туйғусини ривожлантиришда, биринчидан, талабаларни бўлажак мутахассис психологияси билан қуроллантирилади, иккинчидан, инсон психикаси билан боғлиқ равишда унинг онги, фаолиятининг таркибий қисмлари билан таништиради, учинчидан эса, талабаларга инсон психологиясининг ўзгарувчанлиги, унинг қонуниятлари, механизмларини аниқлашга ёрдам беради. Чунки улар профессионал фаолиятга руҳан тайёрлаш қонуниятларини билишга йўналтиради. Бу эса, қуйидаги йўналишларни ҳисобга олишни тақозо этади: ташкил этилаётган педагогик жараённинг ҳар бир таълим олувчи шахсига таъсири; бўлажак мутахассислар касбий фаолиятининг ҳолатини ҳисобга олиш; талабаларни профессионал фаолиятга тайёрлашнинг педагогик-психологик қонуниятларини аниқлаш; таълим олувчиларга ватанпарварлик ва огоҳликнинг моҳиятини тушунтириш; турли вазиятларда муҳим қарорлар қабул қилиш компетенциясини ривожлантириш кабилар. Бу борада, албатта, мутахассислик фанлари блокдан “Давлат ва ҳуқуқ назарияси”, “Конституциявий ҳуқуқ”, “Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар”, “Жиноят ҳуқуқи”, “Фуқаролик ҳуқуқи”, “Жиноят-процессуал

ҳуқуқи”, “Фуқаролик процессуал ва иқтисодий процессуал ҳуқуқ”, “Оила ҳуқуқи”, “Маъмурий жавобгарлик”, “Инсон ҳуқуқлари”, “Халқаро ҳуқуқ”, “Диний ақидапарастлик, экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари”, “Криминология”, “Маъмурий ва жиноят ишлари бўйича процессуал ҳужжатларни расмийлаштириш”, “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолияти”, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти” ўқув модуллари; танлов фанлари блокдан “Ҳуқуқбузарликлар профилактикасида жамоатчилик билан алоқалар”, “Жиноят-ижроия ҳуқуқи”, “Маъмурий ҳуқуқ”, “Коррупцияга қарши кураш”, “Меҳнат ҳуқуқи”, “Тезкор-қидирув фаолияти ва терроризмга қарши курашиш асослари”, “Кибержиноятчилик”, “Жамоатчилик назорати” ўқув модуллари; қўшимча фанлар блокадаги “Ҳарбий хизмат тайёргарлиги”, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолияти психологияси”, “Криминалистика ва экспертиза”, “Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда замонавий техника ва алоқа воситалари” ўқув модуллари жиддий ёрдам беради. Шу каби ўқув модуллари вазиятли ёндашув асосида бўлажак ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳаси мутахассисларида ватанпарварлик туйғусини рифожлантириш имконини беради. Бунда мутахассислик фанлари асосларидан олган маълумотлар ёрдам беради. Бунинг учун дастлаб тарихий тажрибалар, ўзбек халқининг мард фарзандлари томонидан олиб борилган ватанпарварлик ва жанговар хизматлари ҳақида маълумотлар тўплаш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, таълим жараёнидаги ҳатти-ҳаракатлар, ўтказилаётган тадбирнинг моҳияти, талабалар жамоасида рўй берган ҳодисалар, уларнинг ютуқ ва камчиликларининг руҳиятига боғлаб унинг сабабларини аниқлаш, талабаларнинг истиқболдаги режаларини белгилашда уларга психологик маслаҳатлар уюштириш, амалиётда интизомлилик, масъулиятни ҳис этиш, ҳар қандай шароитда тўғри йўл топиб чиқиб кета олишда зукколик, тадбиркорлик, ҳозиржавоблик, жасорат, собитлик кўрсата олишида ёрдам бериш, фаолият натижаларини педагогик жиҳатдан таҳлил этиш орқали уларга таъсир этиш доирасини белгилаш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Чунки ҳозирги даврда янги технологиялар кириб келиши билан профессионал фаолиятда билиш жараёни муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Билиш жараёни уч босқичда амалга оширилади: ўқув материални талабаларнинг ўрганиб, қабул қилиши, ўрганган билимининг англаб олиши, англаб олган билимларини эсда сақлаш ва ўз фаолиятида қўллаш олиши.

Ўтмишдаги катта урушлар, босқинчилик ҳаракатлари, табиий офатларда халқимиз кўрсатган жасорат, халқ қаҳрамонликлари ифодаланган маълумотлар талабаларни салбий таъсирлардан сақлабгина қолмай, рақобатбардош мутахассис сифатида шаклланишида, бир томондан, ибрат намунаси бўлса, иккинчи томондан, профессионал маҳоратни эгаллашда психологик таъсир кўрсатади. Ахлоқий ва сиёсий етуклик, оғир синовларга бардош бера олиш, ҳатто Ватан учун жонини қурбон қилишга ҳам тайёр туриш кабилар асосий саналади.

Вазиятли топшириқларни англаш ва ўрганишда ҳиссий ва ақлий билимларнинг уйғунлиги табиий ва ижтимоий воқеликдаги жараёнларни таҳлил қилиш, уларга таяниб амалий фаолият юритиш бир-бири билан боғлиқ узвий жараённи англатади. “Педагогика энциклопедияси”да вазиятли топшириқ деганда,

“Ўқув предмети доирасида амалиётда дуч келиши мумкин бўлган аниқ вазият шарт-шароитлари асосида тузилган таълим вазифаси” тушунилади.

Вазиятли топшириқ қўйидагилар билан белгиланади: касбий фаолиятнинг асосий турларига мос келиши, ўқув ҳамда касбий фаолият субъектидан турли ёндашувларни амалга оширишни талаб қилиши, умумий ва касбий компетенцияларни шакллантириши; аналитик фаолият билан боғлиқликда оптимал ечимларни танлашга имкон бериши; билимларга асосланган таълим натижалари, маълумотлар билан ишлаш усуллари ва касбий фаолиятнинг турли усуллари ўзлаштириш натижасида уларни амалиётда қўллаш жараёнида олинган кўникмалар мажмуаси сифатида тақдим этишга имкон бериши талаб этилади.

Вазиятли топшириқлар ва машқлардан фойдаланиш қўйидаги мақсадларни назарда тутади: таълим (ахборотни олиш ва қайта ишлаш) билан боғлиқ ишлар – касбий билимларни тизимлаштириш, таҳлил қилиш, қўллаш кўникмаларини ривожлантириш; талабаларнинг маълумотлар билан мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантириши, шунингдек, умуман, шахсни ривожлантириши, мулоқот қилиш қобилиятини яхшилаши ва когнитив қобилиятларни ривожлантириши; бўлажак мутахассисларнинг касбий ахлоқи, масъулиятининг етарли даражада ривожланишини таъминлашга хизмат қилиш кабилар.

Вазиятли ёндашув асосида бўлажак ҳуқуқшуносларнинг ватанпарварлик туйғусини ривожлантиришда вазиятли топшириқларни қўллаш бир қатор афзалликларга эга. Биринчидан, вазиятли топшириқлар самарали бўлади, чунки улар фаол таълимдан фойдаланади, бунда талабанинг ўзи керакли услублар, воситалар, ахборот манбаларини танлаши керак ва ўқитувчи фақат воситачи ёки ёрдамчи сифатида ишлайди. Иккинчидан, ҳал қилинмаган вазият танқидий фикрлаш салоҳиятини оширади, таълим олувчиларни мулоқот кўникмаларидан фойдаланишга, сўровлар, мунозаралар ва муҳокамаларга жалб қилишга ундайди. Учунчидан, вазиятли топшириқлар бошқарув ресурсини ҳисобга олишни ва муаммони ҳал қилишнинг умумий йўналишини белгилашни, шунингдек, қарор қабул қилиш учун зарур чегараларни кўришни ўргатади. Тўртинчидан, бундай топшириқлар ўқув муҳитини моделлаштиради, бир талабадан иккинчисига узлуксиз ғоялар ва маълумотлар оқимини таъминлайди, иштирокчиларда бир-бирига ишонч, ҳурмат ва масъулият ҳиссини шакллантиради. Бешинчидан, бундай вазифалар фандан ташқари бўлиб, ўз-ўзини ривожлантириш ва ўз-ўзини тарбиялаш учун асос яратади, улар инсоннинг касбий ҳаёти давомида ўз муаммоларини ҳал қиладиган моделдир.

Вазиятли топшириқларни шакллантиришда муайян таркибий қисмлар ва қўйидаги зарурий хусусиятлар назарда тутилиши керак: мувофиқлик (вазият долзарб, замонавий, эскирган бўлмаслиги керак); амалиётга йўналтирилганлик (вазифанинг шартлари ҳам, унинг ечимлари ҳам ўзлаштирилаётган касб учун амалий аҳамиятга эга бўлиши, ҳақиқатни акс эттириши ва идеал ҳолда, ҳақиқатда тез-тез бўлиши керак); талабаларнинг таҳлилий қобилиятларини ривожлантиришга ёрдам берадиган таркибий қисмларга бўлинган аналитик ҳаракатлар учун мос бўлиши керак; контекстуаллик (талаба бу вазиятда фанлардан ўзлаштирган билимларини интегратив қўллаш олиши керак); структуравийлик (одатда, вазиятли топшириқ муайян таркибий қисмларни, тақрорланувчи тузилмани ўз ичига олади:

кириш, вазиятнинг тавсифи, саволлар ва бошқалар); мавжудлик (вазиятли топширикни бажариш шартлари талабалар учун тушунарли бўлиши керак, уларнинг таълим даражасига, материални ўзлаштиришга, психологик ва ёш хусусиятларига мос келиши керак); ноаниқлик (муаммонинг шартлари бир нечта ечимларга имкон бериши керак, энг самаралиларидан бирини танлаш имконияти).

1-жадвал

Бўлажак ҳуқуқшуносларнинг ватанпарварлик туйғуларини ривожлантиришга хизмат қиладиган вазиятли топшириқлар

№	Вазиятли топшириқлар	Ўқув модул билан боғлиқлиги
1	Тарихий манбаларга асосан биламизки, Амир Темури кўшини ўнлик, юзлик, минглик (ҳазора), ўн минглик (туман)ларга бўлинган, шу билан бирга унинг такоминлаштирилган турларидан 50-1000 тагача бўлган аскарлар “кўшин”, улар бошлиқлари “сардор”, “амир” деб аталган. Ҳозирги кундан Ўзбекистон Республикасида сон жиҳатидан қандай кўшин турлари мавжуд ва уларда бошлиқлар Умумкўшин низомларига асосан қандай унвонлар, командир ва бошлиқлар бор?	Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Умумҳарбий низомлари
2	1366 йил Қаршида Темурбек бор йўғи 243 киши билан 12 минг кишилик душманга қарши душманга қарши жанг қилган ва сардорлик салоҳияти билан зафар қозонган. Мазкур вазиятда Темурбекнинг ғалаба қозонишига сабаб бўлган асосий ҳолатлар қайси низомда кўрсатилган?	Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Умумҳарбий низомлари
3	Амир Темурнинг Ҳиндистонга юришдан олиб келинган ўрта аср “танклар” жанговар филларнинг хусусияти. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Қуролли кучларида мавжуд бўлган зирхли техникалар ва уларнинг тактик-техник хусусиятларни таққослаб очиб беринг	Махсус тактик тайёргарлик
